

**“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ**

**“НАМАНГАН ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР  
ТАРМОҚЛАРИ  
КОРХОНАСИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**



**ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА  
БҮЛМАГАН ТАДБИРКОР  
ИСТЕМЕЛЧИЛАР УЧУН  
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ**

**ШАРТНОМАСИ  
№ 480137**

**Уйчи туман хокимлигининг  
МОЛИЯ БҮЛИМИ  
(корхона, ташкилот, муассаса номи)**

# **Юридик ва юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркор истеъмолчилар учун ШАРТНОМА**

2022 йил “18” январ

480137-сон

Уйчи туман  
(шартнома тузилган манзил)

“Наманган ҲЭТК ” акциядорлик жамияти “ишенчнома” асосида фаолият юритувчи раҳбари А.Мирзаев (кейинги ўринларда “Корхона” деб аталади) бир томондан (электр таъминоти корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

ҳамда Низом асосида фаолият юритувчи Уйчи туман молия бўлими раҳбари Д.Нурматов (“Истеъмолчи”нинг номи) (“Истеъмолчи” раҳбарининг Ф.И.Ш.)

(кейинги ўринларда “Истеъмолчи”деб аталади), ҳисоб раками - 

4	8	0	1	3	7
---	---	---	---	---	---

 иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар тўғрисида туздилар:

## **I. Шартнома предмети**

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда - энергия деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

## **II. Етказиб берилган энергияни ҳисобга олиш**

### **2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:**

Актив 9333 кВт.с. реактив 0 кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кунидаги умумий нархи **4199850 сўмни, тариф(лар) бўйича бир ставкали 450**

тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПҚ-3379 нинг рўйхатида кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун (кераклиси ёзилсин) ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари). Электр энергиясини хисобга олиш приборлари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошقا воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, Корхона томонидан Бюро билан хамкорликда бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

## **III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табакалаштирилган, бир ставкали ёки Ўзбекситон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3379-сонли қарорининг иловасига асосан тасдиқланган рўйхатда кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари ўюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган

NM38388777